
ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНИ МАРКАЗИЙ ПОЛИКЛИНИКАСИ БОЛАЛАР БЎЛИМИ БИНОСИ РЕКОНСТРУКЦИЯДАН СЎНГ ҚАЙТА ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Янгиланиш ва яшариш айёми – Наврўз умумхалқ байрами арафасида Ўзбекистон тумани марказий поликлиникаси болалар бўлими биноси реконструкциядан сўнг тантанали тадбир билан қайта фойдаланишга топширилди.

Тадбирда иштирок этган вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Аваз Ўринбоев, туман сектор раҳбарлари ва бошқалар кейинги йилларда мамлакатимиз тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар инсон қадрини улуғлашга йўналтирилгани билан аҳамиятли бўлаётганини таъкидладилар. Янгидан барпо этилаётган ва мукамал қайта таъмирланаётган тиббиёт муассасаларининг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланаётгани аҳолига тезкор, сифатли хизмат кўрсатишда муҳим аҳамият касб этаётгани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йилда вилоятимизга ташрифи давомида берилган топшириқлар ижроси доирасида амалга оширилган реконструкция жараёнида 3,61 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиб, бинонинг эшик-ромлари тўлиқ янгиланди, том, пол қисми тўлиқ алмаштирилди, ташқи фасад ва хоналар таъмирланди, иситиш, сув канализация, вентиляция, электр тизимлари янгиланди ҳамда ҳовлисида ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

2022 йилдаги "Ташаббусли бюджет" лойиҳасининг 1-мавсумига КТМП болалар бўлимини мебель жиҳозлари билан таъминлаш учун қўйилган лойиҳа ғолиб бўлиб, 480 миллион сўмлик мебель жиҳозлари билан таъминланди.

1975 йилда қурилган кўп тармоқли марказий поликлиника болалар бўлими 590 та қатновга мўлжалланган бўлиб, бино шу давргача мукамал таъмирланмаган эди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-03-16 10:39:00